



БОЛА БОЛАЛИКНИ БОШИДАН КЕЧИРЯПТИМИЗ?

Республика ёш томошабинлар театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **ҲАБИБУЛЛА АБДУЛЛАЕВ** билан суҳбат

— Болалар театрида ишлаш, тўғрироғи, болалар актёри бўлиш ҳамма нима ҳам қўлидан келавраганими, нима деб ўйлайсиз?
— Менимча, болалар актёри бўлиш учун болаларни севишниги ўзи камлик қилади. Бола психологиясини ўрганиш, қолавера, болага болаларча муносабатда бўла оладиган, унинг нозик кўнглига йўл топа оладиган одамгина болалар актёри бўлиш мумкин, деб ўйлайман. Тўй хашамларда болалар санъаткорларни ўраб олишди, ҳавас билан қарашди. Бироқ бунга баъзи санъаткорлар унчалик эътибор бермай, гурур ва кибр билан ўтиб кетадилар. Санъаткорларнинг

ўзини туттишлари болалар хотирасида бир умр муҳрланиб қолади.
— Бундан 10-15 йил аввалги болалар билан ҳозирги болалар ўртасида аниқгина фарқ сезилдими?
— Ҳозирги болаларни шонтириш ҳам осон бўлмаса керак?
— Бу масала ҳақида жуда кўп ўйлайман: нега болаларимиз болалик даврини бошидан кечирмайшамиз? Нега кўпчилик болаларимизда катта одамларнинг нуқси бор? Нега нигонларидидаги соддалик ўрнини қувилган эгаллаштириш? Бир кун ичрада томоша кўраётган эдик. Томошага буюролик болаларни олиб келишган экан. "Қизил шапкача"

спектаклида мен бури ролини ўйнапман. Спектаклнинг бир кўринишида бўри, яъни мен қизил шапкачани бувисини еб бўлиб, қизил шапкачани кутиб ётибман. Бир пайт саҳнага 7 яшар қизалоқ "зув-зув" йиғлаб чиқиб, мента зорлана кетди: "Жон бўрижон, бўрижон уни емайин, сента кўксултонимдан берман". — деса борми, ўзим ҳам унга қўшилиб йиғлаб юборганимни билмай қолибман. Бу воқеага анча йил бўлди, албатта. Ҳозирги томошабинлар орасида бундайларнинг топилиши қийин.
— Роль жонли чиқиши учун актёрга истеъдоднинг ўзи етмас-ми?
— Ие, бўлмасам-чи?

Тажриба, билим, қузатувчанлик, буларнинг бари бир-бирини тўлдирди, истеъдоднинг қирраларини очди.
— Сиз яна нималарга кўпроқ эътиборингизни қаратасиз?
— Агар машхур санъаткорлар, устозларим Эргаш ака, Ҳасан ака, Салир акаларнинг ижодини қузатган бўлсангиз, уларнинг ижодига ҳаётийлик уфуриб туради. Ҳеч қандай сунъийлик сезмайсиз. Шунинг учун ҳам улар ижро қилган телевизион миниатюралар театри неча марта кўйилмасин, томошабин ҳар гал янгидай қабул қилади, кўнглига тетгайди. Ҳаракатлар олдий, сулар олдий, халқнинг ўзидан олиб, ўзига қайтара билиш ҳам санъат. Ҳасан аканинг "техника"лари ўзига хос эди. Уларидан қўшиб, мимикаларни билан роли янада бойитиб юборардилар. Устозларимдан ҳозиргача ўрганилган, десам хато бўлмайди. Одамларни кўп

кузатаман, автобус, трамвай, метрода, дегандай.
— Юқорида ҳар бир бола болалик даврини яшаб ўтиши керак, дедингиз. Болалигингизда ўзингиз қандай бўлгансиз?
— Жула шўх бўлганман. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Онам бир кун мени дўконга нон олиб келишга жўнатдилар. Қайтаётсам, йўлда қариндошимиз Фахриддин ака учраб қолганлар. Жула салобатли эдилар у киши. Шошганимдан: "Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим", деб юборибман. Фахриддин ака онамга "Ўзинг сал галати, унга нима бўлган?" дебдилар. Онам менга дакки бердилар. Эртасига уларни узокдан келатганларини кўриб қолдим-у, ичимда "Ассалому алайкум"ни роса такрорлаб келавардим. Эндигина яқинлашганлардан, "Зирастувий" деб юборибман. Шунда Фахриддин ака "Ўзинг артист бўлса керак", деган эканлар.
Матлуба ТЕМУР қизи суҳбатлашди

ЭКОЛОГИЯ ВА ЮШЛАР

Орол денгизининг қургани ва қарийб 26 минг кв.км.га қўзилган

22 март Бугунжаҳон сув куни ҳисобланади, шу куни бутун дунё миқёсида сувни тежаш, асраб-авайлаш борасида катта ва кенг миқёсда тарғибот ва ташиқот ҳамда амалий ишлар олиб борилади.

Инсоният 149 млн. кв. км. куруқликнинг эллик беш фоизини фақат XX асрнинг охириги чолагидега ўзлаштирди. Ҳар йили қургани ҳудудларнинг ўн беш фоизи (22 млн. кв. км.) инсонлар томонидан энг кўп фойдаланиладиган ерлар (қуришлар, ҳайдаладиган ерлар, йўллар ва бошқалар)га тааллуқлидир. Куруқликнинг йигирма фоизи (30 млн. кв. км.) яйловлардан, йигирма етти фоизи (40 млн. кв. км.) ўрмонлардан иборат. Еримизда инсонлар томонидан мухтақ фойдаланилмайдиган ҳудудлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг майдони жами куруқликнинг ўн беш фоизини ташкил қилади. Буларга музликлар, совуқ арктика муз саҳралари, тундралар кирди. Яна йигирма беш фоиз майдонни қулқунлар, ботқоқликлар, тик ён бағирлар, ўрмон тундралари қоплаган.

Хозирги кунда қўллашчи хавфи бор ҳудудлар 30 млн. кв.км. (куруқликнинг йигирма фоизи)ни ташкил қилади. Ҳар йили тахминан 21 млн. кв. км. майдондаги ер тўлик бўлишига маҳжудир. Сугориладиган ерларнинг 6 млн. кв. км. қисми ҳар йили қўллашчига юз тутмоқда. Олимларнинг тадқиқотларига қараганда, бугун дунёда инсониятнинг қўллашчида қургани зарари 550 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ер шарида қўллашчи жараёнини олдини олиш учун БМТнинг атраф-муҳит масалалари билан шуғулланувчи ЮНЕП ташкилоти томонидан 1977 йилда Кениянинг Найроби шаҳрида халқаро анжуман

даражаси охириги йилларда кескин кўтарилиб бормоқда. Бу долзарб масала бўйича республикамизда илмий, амалий ташкилий ишлар кенг миқёсда олиб боришмоқда. Хитой давлати мазмурияти XXI асрга ҳар бир инсон ўттиздан кўнат экиш билан қадам қўйиши керак, деб фикр билдирди. Бунинг асосий сабаби дунё бўлишичи олддини олиш, кислородни қўллайтириш ва ўрмонларни йўқолиб кетишини олдини олишдан иборатдир. Қўлларнинг майдонини қисқартириш мақсадида ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган ҳудудларда мавжуд дарё, канал, ариқ, сой буйларига дарактлар экска у тарафлама ютилар экан. Биринчидан, даракт — бу кислород. Иккинчидан, даракт — бу мева ёки ўтин, қурилиш материаллари. Учинчидан, даракт — бу қуёш нуридан бугунлади-ган сувларни қисман бўлса ҳам қайтариши. Ўзбекистон Республикасини 1995 йил 31 октябрда қуроқчилик ва қўллашчига қарши кураш Халқаро конвенциясига аъзо бўлди. Мамлакатимизда Халқаро GEF агентлиги лойиҳаси асосида ҳам бир неча йиллардан бунён олиб бориладиган ишлар табиий ресурсларни тежаш маданиятини бўларимиз орасида оширишга хизмат қилмоқда. Она замин дея аталмиш шун тупроқ ҳар биримиз учун муқаддас, уни асраб авайлаш эса юксак инсоний бурчдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирилар Маҳкамасининг йил якунлари таҳлилига бағишланган йиғилишида сўзланган нутқларида ҳам бу масалада биз ёшларнинг зиммасида катта масъулият борлигини алоҳида ўқтирилди.

Қувнодиқ ШАРИПОВ, Тошкент Давлат иқтисодий университети талабаси



Баҳорнинг яна бир фараҳли кунни. Борлиқ биринчи ойи! Қизик, хатто тонглири ҳам бошқача баҳорнинг: гўзал ва бетакор. Минг бир қувонч билан орузларимдай оппоқ ўрик гулларини қўзларимга сураман. "Қада-

ҲЕЧ КЎРМАЙЛИК ЁМОНЛИК

— Ҳа, энди...
— Дам олишга келибсиз-да?
— Йўре, хизмат сафари билан.
— Бўлмаса гап бундай, ука, эртага тонг пайти Соҳибжоннинг дўконини ёнига чиқиб турунги. Бир-иккита "ёрлиқина" жой бор, олиб ўтаман.
Биз эртаси кунни келишимиздек белгиланган жойда учрашдик. Машинага чиқиб ўтирганимиздан сўнг у мендан сўради:
— Хўш, энди қаерга борамиз ука?
— Билмадим?
— Ах, содда укам-а... Овга борамиз, овга...
— Ахир, биз бундай келишимиз эдик-ку?
— Ҳовлиқманг, ука, ҳовлиқманг. Қўнглини кенг қилинг. Сизга мақола, бизга... Яқини биздан ўртак олишга умид қилмайман.
Ҳамма билганимиз бунда "насиҳат" омуз сўзларини кейин хаёлимдан қани, охири нима билан тутаркан? — деган ўй келди. Мен эса ана шу арзimas истегим йўлида ҳар қандай қийинчиликка тайёр туришга чоғландим.
— Ука, биз ҳозир (шу

менга ўша-дилга яқин қўшиқни эслатади.
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан, Ҳамма бир-бирига ширин сўз экан...
Уни бузимга илинаман. Бувим мен яхши қўрган ҳар галги одатларини такрорлайдилар: бойчечакни кўзга сурадилар. "Омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик!" Юрагим тўлиб, уларнинг дуоларига қўшилиб кетаман. "Юртимиз тиш, ота-оналаримиз, нуроний боболаримиз, бувижонларимиз соғ-омон бўлсин!"
Сўнг юртимда тантана бошланганидан дарак беради қалбга яқин наволар. Энди байрам сари ошмакман. Шодон болалар, баҳордай очилиб кетган ёшлар, отахон-онахонларнинг кўнглида байрам шукухи. Энтиқиб кета-



Абдулгани ЖУМАЕВ олган суратлар
ман: "Наврўз! Ҳеч қачон кўнглиларни тарқ этмагин!"
Бехзод ФАЗЛИДДИНОВ, талаба

QA DRIYAT

ОТГА МЕХРИМ БЎЛАКЧА

Водийнинг хушманзара кучоғида вояга етдим. Андижоннинг зилол сувлари, гўзал табиати, меҳри дарё одамлари болалик ўйларимга чексиз завқ бағишлаб, хотирамда зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиб қолган. Ҳар битта гирё, ҳар битта жонзот кўзимга фақат сехр мўъжизадан иборат бўлиб қўринар эди. Аийқиса отга меҳрим ўзгачарок бўлган.

Киз бола бўлишимга қарамай, отни кўриб қолсам, чавандоз бўлиш истаги пайдо бўлар эди. Кинофильмлардаги жангларда эгаси хавф-хатар ичида қолганда кўзлари мўлтираб қоладиган тулпорларни кўрсан, жуда раҳим келар, қўлимдан келса-ю уларга ёрдам берсам дердим.
Хозир болалик хаёлларимдан анча узокдашман. Энди мана шу салдоқли жонивор билан ошно бўлиб юрган инсонларга ҳавасим келади, уларни ҳурмат қиламан. Назаримда, отни севаган, уни улуғлаган инсон ҳеч қачон ёмонлик қила олмайдми. Ахир от инсоннинг салдоқли дўсти, унга содиқ қолувчи энг ақли ҳайвон. Ундаги вафони англай олиш, унга меҳр бериш учун ҳам инсонда ақл-ирроқ, қалб бўлиши керак деб ўйлайман.
Бизнинг халқимиз отни азалдан улуғлаб келади. Бунга қадим ўттишимизга назар солиб ҳам билишимиз мумкин. Қадимда от тотем ҳисобланган. Аийқиса, ахлдорларимиз қанотли отга машхур тотем сифатида қарашган. Зотли оти бор йигит бой ҳисобланган. Буларнинг замирида улкан маъно бор. Чунки от

НИГОРА ТҲУТАМАТОВА, талаба

УЧ ЁШЛИ «МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ»

Хабарингиз бор, бундан уч йил муқаддам юртимизнинг барча ҳудудларида "Маҳалла посбони" жамоат ташкилоти қурилди. Эндигина уч йил бўлган "Маҳалла посбони" жамоат ташкилоти аъзоларининг аксариятини ёшлар ташкил этиди. Посбонлар ўзлари яшайдиган маҳаллада, кўчада, мазеда, кварталда жиноятчиликни олдини олиш ва жамоат тартибининг сақлашда ҳуқуқ-тартиб идораларига яқиндан ёрдам бериш келмоқда.
Аийқиса, улар маҳаллада ижтимоий мухитни соғломлаштириш мақсадида ичкиликбозлик ва гирёхандликка ружу қўйганлар, оила-турмуш доирасида мунтазам тартиббузарликлар содир этувчи ота-оналар билан иш олиб боришда, ёшлар онгини захарлаб, уларни турли экстремистик диний гўялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи, турли ноқонуний тарғибот ва ташиқот олиб борувчи шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактика-тарбиявий, тушунтириш ишларини олиб боришда яқиндан ёрдам бериш келмоқда.
Хозирги кунда республикамиз бўйича жами 7282 та "Маҳалла посбони" жамоат ташкилоти ташкил этилган бўлиб,

уларда "Маҳалла посбони" жамоат ташкилоти аъзоларининг сони деярли 51 минг 370 кишидан ошди. Бу жуда катта қўл. Улар томонидан мунтазам равишда оғойшталликни таъминлаш, жамоат тартибининг сақлаш ва ҳуқуқ-тартиботни муостаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.
Масалан, ўтган йил давомида республикамиз бўйича маҳалла посбонлари ёрдамида 23 минг 615 та ҳуқуқбузарликнинг олди олинди. 4030 та жиноятни охишда профилактика инспекторларига ёрдам кўрсатди. Улар томонидан 92 минг 346 та ҳуқуқбузарликлар

ШУҲРАТ РЎЗИЕВ, милиция майори

ZIYOKORMI, ZIYONKOR?

Журналист номига доғ тушмасин

Қишлоғимиз тегирмони ёнида дўстларим билан турган эдик, ёнимизга сариқ рангли "автомашина" келиб тўхтади.
— Ие-я, укашонимиз келибдимиз? — дея аллақандай таҳририятда жамоатчи муҳбир бўлиб ишлайдиган "ҳамкасб" акамиз тушиб келди:
— Укам, эшитишимча пойтахтта ишга ўтиб кетибсизми?
— Ҳа, энди...
— Дам олишга келибсиз-да?
— Йўре, хизмат сафари билан.
— Бўлмаса гап бундай, ука, эртага тонг пайти Соҳибжоннинг дўконини ёнига чиқиб турунги. Бир-иккита "ёрлиқина" жой бор, олиб ўтаман.
Биз эртаси кунни келишимиздек белгиланган жойда учрашдик. Машинага чиқиб ўтирганимиздан сўнг у мендан сўради:
— Хўш, энди қаерга борамиз ука?
— Билмадим?
— Ах, содда укам-а... Овга борамиз, овга...
— Ахир, биз бундай келишимиз эдик-ку?
— Ҳовлиқманг, ука, ҳовлиқманг. Қўнглини кенг қилинг. Сизга мақола, бизга... Яқини биздан ўртак олишга умид қилмайман.
Ҳамма билганимиз бунда "насиҳат" омуз сўзларини кейин хаёлимдан қани, охири нима билан тутаркан? — деган ўй келди. Мен эса ана шу арзimas истегим йўлида ҳар қандай қийинчиликка тайёр туришга чоғландим.
— Ука, биз ҳозир (шу

атрофдаги туманлардан бирини номини айтиб), халқ таълими бўлимига борамиз. Гувоҳномангизни рўйхатга илдириб, яқин орадаги мактаблардан иккитасини бориб кўрмоқчиман дейсиз.

Шунинг учун сизга бир хизмат бор эди...
Иккалаласи хиват жой топиб нималарнидир пичирлашиб қайтиб келишди. Биз яна ўз йўлимизга равона бўламиз. Ниҳоят халқ

«АКА, СИЗГА ХИЗМАТ БОР»

Эки манфаатпараст «мухбир»лар ўқимасин


Агар, нима масала бўйича кўрмоқчисиз, деб сўраб қолса, таъмирлаш жараёнини, деб жавоб қиласиз.
Мен унинг барча сўзларига фақатгина бош сикликиб тасдиқ ишорасини бериб қўярдим. Қойил, йўл-йўлакый қайсиридир ёқилиш шохобчасидан текинга 40 литр бензин қўйдириб олди. Ҳа, ҳамкасбимизнинг чиндан ҳам "ўртак" оладиган жиҳатлари кўп экан. Чунки, манзилга етиб борганимиздан сўнг ҳам халқ таълими бўлимига боришга ошмакман, шу туман марказида жойлашган шифохоналару, касб-ҳунар коллежларига тушиб, раҳбар акаларимиз билан "ҳанго-малашиб" ўтдик. Аийқиса, унинг муомаласи менга жуда "ёқди". Ким билан учрашсан, салом-алиқдан сўнг дангал мақсадга кўчиб қўя қолади.
— Шу десангиз, ака, бир пилла чой бериш ўабекларда бор нарса.

Аммо "қурун" ни ололмасдан, ўша кунни туман доқимининг муовинини уйдага ётиб қолиб, эртасига унинг ёрдамида мақсади-мига эришдик. Кечқурун уйга қайтишда қўлимга 3000 сўм пул санаб тутт-азди...
Гап сўзларга қараганда, сариқ рангли "Москвич" ҳали ҳам кезиб юрган эмийш. Ҳали қолсан, киши, унинг фирибгарлик йўлидаги бундай қилмишларни қачонгача давом этаркин? Ахир, баъзида, журналистлар ундай бундай деган ҳар хил гап-сўзларни эшитиб қолмасин. Рост, иларга ишонмас-дим. Ҳамма бунга бошдан кечириб, бундайлар "Журналист" деган пок номни сотиб, ҳатто бир жумла гапни эглаб ёволамдиган фирибгарларнинг қилмиши эканлигини энди тушуниб етдим. Халқимиз ҳам соддадил-да, йўқса муттаҳамлардан журналистни ажратиб мушкул эмас-ку.


Ташкент шаҳар Юнособод туманида рўйхатга олинган хусусий тадбиркор Мирохлиев Улуғбек Мирзоахидович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Бино-иншоотлар Давлат кадастридаги 06-25/98 реестр рақамда рўйхатдан ўтган "Нуроний" МЧЖ-ГА берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Ташкент шаҳар Яққасарой тумани 160-сонли мактаб томонидан Мишин Юрий Сергеевичга берилган О'Р'Е 014098 рақамли 2001 йилда 9-синф битирганлиги тўғрисида гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Утераный диплом ТашГУ № 189995, выданный в 1998 году на имя Ким Павла Анатольевича СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.
---	---	---	---

Бугунги кунда республикаимиз ҳукумати ва Халқаро валюта фонди ҳамкорлигида тузилган республикани иқтисодий ва молиявий ривожлантириш дастури бўйича келишилган меморандумда кўрсатилганидек, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда устувор йўналишлар фаолиятини тартибга солишда банкларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Буни "Ўзуйжойжам-фармабанк" С.Раҳимов тумани бўлими мисолида кўрсатиб бўлади.

Банк бўлими ташкил этилганига ҳали 5 йилдан ошмади. Лекин ўтган муддатда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилишга арзийди. Аслида, ўтган муддат банк бўлими оёққа туриб олиши учун, улкан яратувчанлик ишлари амалга оширишга етарли муддат бўлмасда, бугунги кунда фаолиятнинг кенг турдаги йўналишларини йўлга қўйишга эришилди. "Ўзуйжойжам-фармабанк" туман бўлими туманда ташкил этилган 42 та уй-жой мулкдорлари ширкати ва барча коммунал соҳада хизмат кўрсатувчи ташкилотларни ўз хизмати-га жалб қилган. Ушбу ширкатлар ўз ўрнида аҳолига коммунал маиший хизматлар кўрсатади. Банк аҳолининг коммунал тўловларини ўз вақтида



Йиғиш ва тўғридан-тўғри коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарга ушбу маблағларни етказиб бериш мақсадида ўзининг 20 дан ортиқ коммунал ва жамғарма кассаларини ташкил этди. Ушбу кассалар орқали банк бўлими 2001 йил давомида 1 ярим миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги аҳоли коммунал тўловларини йиғиб, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳисоб



рақамларига тушириб берилди. Бу ўз ўрнида аҳолининг коммунал ташкилот олдидаги қарзи камайишига олиб келди. Агар таққослаб кўрадиган бўлсак, бу 2000 йилга нисбатан 1 миллиард 200 миллионга кўп демакдир. Албатта, банкнинг бундай восита-боғловчи вазифасини бажариши натижасида аҳолининг коммунал хизмат кўрсатувчи ташки-

ЗАМОНАВИЙ БАНК ТИЗИМИ САРИ

жалб этиш орқали ҳам банк фаолияти кенгайтирилмоқда. "Ўзуйжойжам-фармабанк" С. Раҳимов тумани бўлими томонидан тақлиф қилинаётган истеъмол товарлар сотиб олиш учун бериладиган "Орузу" истеъмол кредити хусусида тўхталадиган бўлсак, бу кредитни миқоз ўз хоҳишига қараб уч ойдан икки йилгача бўлган муддат ичида тўлаб боради. Айнан шу кредит бўйича 2001 йил давомида 28 та миқозга ўз маиший эҳтиёжларини қондириш мақсадида истеъмол кредити берилди.


Келатган ўқув йилида таълим кредитлари беришни ривожлантириш ва шу орқали ёшлар тарбиясига оз бўлсада хисса қўйиш банк олдида турган вазифалардан биридир. Банк томонидан тақлиф этиладиган муддатли ва талаб қилиб олинганга қадар омонатлари бўйича аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш бўйича аҳоли учун бир қатор қулайликлар яратилган. Мисол учун "Антиқа" муддатли омонатини олайлик, бу омонат тури бўйича йиллик 36 фоиз устама тўланади. "Болажон", "Мақсади болажон" узоқ муддатли омонат турлари бўйича ҳам аҳоли маблағлари жалб этилмоқда.

Банк ўз депозит жалб қилиш сиёсатини такомиллаштириши аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг банк кассасига келиб тушишига

ижобий таъсир этди ва жисмоний шахслар жамғармалари қолдиғи - 200 миллион сўмдан ортиб кетди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, 1 минг 300дан ортиқ жисмоний шахс ўз омонатларини шу банкка ишониб топширган.

тини доимий равишда кенгайтириб, қулайлиги ва тезкорлигини ошириб борар экан. Ўзининг шўъба филиалларини, замонавий қилиб айтганда минн банкларини очиб орқали ҳам миқозларга қулайлик яратади. Илгари банк

Банк бўлими кредит операциялари ҳажмини ўстириш ва халқ хўжалиги соҳаларида кўрсатилган хизмат турларини кўпайтиришга, иқтисодиётнинг реал секторларини молиялаштиришга, кредит мониторинг сифа-



манзур бўлмоқда. Банкдан ташқари уй-жой учун ажратилган имтиёзли кредит 1 ой давомида тўланиши, кредит ва кредитга тўланадиган фоиз тўловларини амалга ошириш учун ўтказилган олийк иш ҳақидан даромад солиқлари ушланмаслиги аҳоли учун яна бир қулайлик яратади. Давлатимиз томонидан берилган уй-жой билан таъминлашда муҳим босқичлардан биридир.

Банк бўлими бошқарувчиси Баҳодир Усмонов билан суҳбатлашганимизда ҳозирги кунда банклар олдида турган долзарб йўналишлардан бири, Республика ҳукумати ва Халқаро валюта фонди ҳамкорлигида тузилган республикани иқтисодий ва молиявий ривожлантириш дастури бўйича келишилган меморандумда кўрсатилганидек, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда устувор йўналишлар фаолиятини тартибга солишда банкларнинг ўзига хос ўрни борлиги хусусида тўхталди.

Банк раҳбари Банк Молия Академиясида ўқиш даврида Япония молия бозоридagi вазиятни таҳлил қилган ҳолда кун чиқар давлатда ўз дисертациясини ёқлаш мақсадида малакасини ошириб келди.

Япон Банк тизими узоқ давр мобайнида шаклланган аниқ ва тезкор тизим асосида фаолият кўрсатади, чунки миқоз маълум бир операцияни амалга ошириш учун банк маносига келса, у ўз ишини қанча муддатда битиришини олдиндан билди ва банк бунга аниқ амал қилади. Вақт ва аниқ мақсадлар асосида шаклландган ушбу тизим Япония банкларини дунё молия бозоридagi обрўсини ва

ўз ўрнида миқозлар сони ҳамда сифатини оширди. — дейди Баҳодир Усмонов. — Мени бир нарсга қувонтирадики, бизнинг банкларимиз ҳам босқичма-босқич шу тизимга яқинлашяпти. Ривожланган мамлакатлар банклари каби мамлакатимиз молия бозоридagi рақобат банкларнинг тезкорлигини ва аниқлигини кундан-кунга олиб боришига олиб келмоқда. Шу билан бирга банкларнинг қимматбаҳо қоғозлар бозорида, бирламчи ва иккиламчи бозорда банк ролини оширишга эришиш керак. Чунки банкларнинг янги ташкил топган акциядорлик жамиятлари чиқараётган қимматбаҳо қоғозларини фонд орқали сотиб олиш билан шу корхона капитал қўйилмаларини оширишга ва ушбу корхонанинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш режасини амалга оширишга эришиш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Чунки банк ўзи акциядорлик жамиятига маблағ қўйгач, у корхона ривожига қизиқди ва истиқболдан манфаатдорлиги боис уни ривожлантиришга интилади. Биз шу тизимни республикаимизда йўлга қўйиб, бу иқтисодиётимиз ривожига катта туртки берган бўларди.

Албатта, мамлакатимизга ёш банкирларимиз орқали хориж тажрибасини олиб келиш ва банкларимиз, иқтисодиётимиз мустаҳкамланишига эришиш лозим. Zero, ёш, тажрибали ва билимли мутахассислар ёрдамида банкларимизга хориж техникавий ютуқларини олиб кириш, банк тизими ривожига муҳим аҳамиятга эгадир.

Нодиржон ЮСУПОВ,
"Turkiston" мухбири

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР

ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Наврўзи олам муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини, шу жумладан таълим тизими ходимларини самимий муборакбод этади. Ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек улкан ва масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилаймиз. Барчага Наврўз қадами қутлуғ келсин.




ЯНГИ АНГРЕН ИССИҚЛИК

ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

ЖАМОАСИ

Меҳнаткаш ўзбек халқини эзгулик ва гўзаллик, янгилашни шодиёнаси — Наврўз билан муборакбод этади. Халқ хўжалигининг турли жабҳаларида юртимиз равнақи учун меҳнат қилаётган барча инсонларга соғлиқ тилайди.

Хонадонингиз ёруғ ва оилангизда ҳар куни Наврўз бўлсин.



Мустақил юртимиз фуқароларини қадимий ва навқирон, гўзаллик ва янгилашиш байрами — НАВРЎЗ билан муборакбод этади.

Жамоамиз янги педагогик технологияларни жорий этишда, фарзандларимиз баркамол бўлиб етишишларида ўз ҳиссасини қўшаверади.

Барчани байрам билан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик, осойишталик, тотувлик бўлсин, деймиз.



**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА МАХСУС КАСБ--ХУНАР ТАЪЛИМИ
ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**


**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИК
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни Наврўз — меҳр-муҳаббат, тинчлик, покланиш, яшариш байрами билан қутлайди.

Байрам юртимизга барака, ризқ-насиба, фаровонлик, осойишталик олиб келсин.

Хонадонлардан жажжи Наврўзойларнинг йиғиси, кулгуси эшитилиб турсин. Байрам шодиёнаси барча қалбларга эзгулик ва жасорат ҳадя этсин. Қизларимиз Барчинойдек, ўғилларимиз Алпомишдек бўлиб камолга етаверсин.

**ХУШ КЎРДИК СЕНИ
ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ НАВРЎЗИМ!**



ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

★ МИЛЛИЙ БАНКИ ★

АНГРЕН ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Яқинлашиб келаётган баҳор айёми — Наврўз айёми билан барча Ўзбекистон халқини ва юртимиз меҳмонларини чин қалбдан муборакбод этади.

Наврўз барчамизнинг хонадонимизга бахт ва қувонч олиб кирсин. Янги кун, янги йил билан азиз ватандошар!




АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ

ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни жумладан, тиббиёт ходимларини энг улуг ва энг азиз байрам—Наврўз билан қутлайди. Ватанимиз аҳлига тан сизатлик, бахту-сарват, хотиржамлик тилашдан бениҳоя мамнунимиз. Озод юртнинг байрамлари кўпаяверсин.

Дунёмиз тинч, осмонимиз мусофиро бўлсин! Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланаверсин.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида ҳеч қачон иқтидоримизни аямайлик. Баҳоринг ва Наврўзинг муборак бўлсин она юртим!



«ҚАШҚАДАРЁДОНМАҲСУЛОТ»

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Наврўз — янгиланиш, ёшариш байрами билан муборакбод этади. Мамлакатимизда минг йиллардан буён яшаб келаётган анъаналаримиз мустақиллигимиз туфайли бойиётганидан, янгича кўринишда намоён бўлаётганидан бениҳоя мамнунмиз.

Байрамлар мустақил ва озод юртга ярашади. Бугун озодлик туфайли қаддимиз тик, руҳимиз баланг ҳолда Наврўз айёмини нишонлаяпмиз.

Шу кунларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКР!



Юртимизда баҳор кезмоқда. Наврўз шарқда қадимдан янгиланиш ва яшариш байрамидир. Табиатнинг уйғониш фасли — Наврўз барча халқларга, ҳар биримизга бахт, омад келтирсин. Жаҳонда тинчлик, Ўзбекистонимизда барқарорлик ҳукмрон бўлсин! Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



«ФАРҒОНАНОН»
АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Биз ажойиб баҳор кунларида, Ўзбекистоннинг саховатли заминида НАВРЎЗ байрамини кутиб олмоқдамиз. Азиз ватандошлар! Байрам билан сизларни чин дилдан самимий табриклар, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, баркамоллик ва равнақ тилаймиз. Ўзбекистонни бундан-да гуллаб яшнашини кўриш барчамизга насиб этсин



«ЖОНОБОДГАРРАНДА»
ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Бутун Ўзбекистон халқини — отахону онахонларни, халқ хўжалигининг турли тармоқларида хизмат қилаётган юртдошларни, шу жумладан, бободехқонларимизни Наврўзи олам билан қутлайди.

Бу йилги кўклам дехқонларимиз учун баракали келишидан умидвормиз. Бободехқонларимиз тер тўкиб етиштирадиган мўл ҳосилини қайта ишлаб, элимиз дастурхонига нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришдек улкан ва шарафли ишга масъулмиз. Шу боис, улуғ айём кунларида дехқонларимизга қарата бу йилги хирмонингиз сарбаланд бўлсин деймиз.

Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризқ-насибангиз доимо бут бўлсин. Хонадонларингиздан файзу барака, тўкин-сочинлик аримасин.




«АНТЕКС»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча ватандошларимизни Наврўз айёми билан муборакбод этади. Мустақиллик шарофати билан Наврўз чин маънода меҳрибонлик ва саховат айёмига айланди.

Шу сабаб ушбу гўзал байрамнинг ҳаётбахш зиёси қалбимизни меҳр-оқибат туйғулари билан нурафшон этмоқда.

Азиз юртдошлар! Сизларни ушбу айём билан қутлар эканмиз, тинчлик, омонлик ва бахт-саодат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Умрингизнинг ҳар куни Наврўзга айлансин. Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Халқимизнинг қадимий, миллий байрами Наврўз билан барчани самимий табриклайди.

Наврўз имкониятга эзгулик эшигини очмоқ учун куч топишга ундовчи қудратли кучдир. Бундай улуғ айёмларнинг ва миллий қадриятларимиз, анъаналаримизнинг тикланиши шубҳасиз мустақиллигимиз шарофатидир. Биз ёш авлед оилга миллий истиқлол гояларини синдириш, миллий байрамларга, қадриятларга, анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш бахтига мўяссар бўлганимиздан мамнуимиз.



Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ


Ўзбекистон халқини, отахону онахонларимизни, мунис опа-сингилларимиз, умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган навқирон ёшларимизни баҳор байрами - Наврўзи олам билан табриклайди.

Наврўз барча ишларимизга оқ фотиҳа бериладиган янги кундир. Бу йил баҳорнинг серёғин келаётгани барча соҳадаги ишларимизнинг ривож топишидан дарак беради. Бу эса нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва савдо билан шуғулланувчи корхоналаримиз олдида улкан вазифалар юклайди, албатта.

Бугун барчамизнинг вазифамиз юрт ривожини, халқ фаровонлигини, осойишталигини учун хизмат қилишдир. Бундай шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришда, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишда корхона жамоасининг ҳам ўзига хос ўрни борлигидан мамнунмиз.

Барчангизни Наврўз айёми билан қутлар эканмиз, хонадонларингизга бахт-саодат, қут-барака, дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз.

Эзгу-ният билан Ватанимиз фаровонлигини ва ёрқин келажагини учун қилинаётган улкан бунёдкорлик ишларида барчангизга куч-қувват ва баҳорий жўшқин кайфият ёр бўлсин!



«ХОРАЗМШАКАР»

ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Юртдошларимизни баҳор, гўзаллик, янгилик ва ёшарин байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!

Мана шундай фараҳбахш кунларда юртдошларимизга энг эзгу тилакларимиз бахшида бўлсин. Дастурхонларимиз ширин-шакар нозу-неъматларга бой бўлсин. Халқимиз дастурхонининг тўкин-сочин бўлишида корхонамиз жамоасининг ҳам, оз бўлсада, ҳиссаси борлигидан мамнунмиз. Эзгу ишларда барчангизга куч-қувват тилаймиз.



АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Гуллаб-яшнаётган Муस्ताқил юрт фуқароларини қадимий ва навқирон, гўзаллик ва янгилик байрами бўлмиш Наврўзи олам билан чин юракдан муборакбод этади!


Муस्ताқил мамлакатимиз халқини байрам билан кутлар эканмиш, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, оласида тилчилик, осойишталик, тоғувлик бўлишини тилаймиз!

Байрам қалбларини-қалбларга меҳр-муҳаббат риштаси билан боғлайверсин! Юртимизда ҳар куни байрам бўлаверсин!



— Билим юртимиз ўтган йили коллежга айлантирилиб, қисқа фурсат ичида Жанубий Кореядан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, — дейди Андижон тиббиёт коллежи директори Ҳамза Маҳмудов. — Ҳозирда илм масканимизда 2376 нафар талабага 175 нафар фан номзоди, олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар илм сирларини ўргатишмоқда. Талабаларимизга маънавий хонаси, иккита компьютер маркази, жамғармаси 50 минг нусха китобни қамраб олган кутубхона, қишқи ва ёзги спорт заллари, волейбол, футбол, баскетбол, қўл тўпи, шахмат-шашка, стол тенниси тўғрақлари хизмат кўрсатишти. Бизда чемпионлар ҳам таҳсил олади. Талабаларимиз Умида ва Доно Жамоловалар стол тенниси бўйича республика чемпионлигини қўлга киритишган.

Шунингдек, фан кабинетларининг деярли барчаси компьютерлаштирилган. Талабаларимизнинг дарсларини қандай ўзлаштираётганлиги компьютер-мониторинг хизмати орқали аниқлаб, таҳлил этиб борилади. — Коллеж асосан тиббиёт муассасаларига



ҲАМШИРА ДИЛКАШ БЎЛСИН

ҳамширалар тайёрлайди. Айтилган, энг аввало ҳамшира қайси сифат ва хислатларни характерида мужассамлаштирган бўлиши керак? — Дарҳақиқат, ҳамшира, умуман шифокор беморнинг ҳаёт-момотини, тақдирини сақлаб қолишда қайсидир маънода муҳим рол ўйнайди. Шу туфайли ҳамшира биринчи навбатда ширинсухан, меҳрибон

ва дилкаш бўлиши лозим. Чунки, ҳамшира кеча-кундуз бемор билан бирга бўлади. Шунингдек, муолажани ўз вақтида ҳамда беҳато бажармоғи керак. Инсоннинг кўнглини бир орғиз ширин сўзи билан хотиржам қилиши мумкин. Биз ҳамширалик иши, акушерлик иши, тиш техник, фармацевт ассистенти йўна-

лишларида таҳсил олаётган талабаларимизнинг руҳига ширинсуханлик, тиришқоқлик, чакқонликни мунтазам сингдириб борамиз. Оқ халатлари ўзларига бинойидек ярашган ёшларимиздан умидимиз катта, — дейди хайрлашаётганимизда Ҳ.Маҳмудов.

Асилхон ИСКАНДАРОВ
ёзиб олди



«ҚОРАКЎЛТЕКС»

ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Шу табаррук заминда яшаётган инсонларни, мамлакатимиз аҳлини, жумладан, биз учун энг азиз бўлган отахону онахонларимизни, юртимиз меҳмонларини, Мустақил Республикамиз равнақи йўлида матонат билан меҳнат қилаётган энгил саноат тизими ходимларини баҳор байрами — Наврўз билан муборакбод этади.

Истиқлол туфайли биз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган Наврўздек энг қадимий байрамни эмин-эркин нишонлаш бахтига муяссар бўляпмиз. Бу йилги Наврўз байрами қўшма корхонамиз ишга тушганига бир йил тўлган кунларда нишонланаётганлиги биз учун қўшалок байрам сифатида жуда ҳам қадрлидир.

Ўтган бир йил ёки Наврўздан Наврўзгача бўлган давр жамоа аъзолари учун ўзига хос синов йили бўлди. Метиндек мустаҳкам жамоамиз юртимиз равнақи йўлида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни тўла амалга ошира олишга ишонч ҳосил қилди. Ана шундай фахрли кунларда биз халқимизни ишонтириб айта оламизки, бу йил истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ортиғи билан уддалаймиз.

Юртимизнинг хорижий ҳамкорлари билан алоқалари бундан-да мустаҳкам бўлсин. Эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги ва порлоқ келажаги учун қилаётган ишларимизда омад ёр бўлсин!



*Ёшариш, янгилашиш, кўнгишлар-
га сурур бахш этувчи баҳор бай-
рами барчага қутлуғ бўлсин!
Қадимий ва улуғ айём — На-
врўзи олам кайфияти хонадони-
мизни асло тарк этмасин. Фар-
зандларимиз бахтини кўриш бар-
чамизга насиб этсин!*

**НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК
БЎЛСИН!**



**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ХУДУДИЙ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ**

*Баҳор айёми Наврўз билан барча ватандошларимиз
ва устоз мураббийларимизни қутлайди.
Уларнинг оилаларига тинчлик ва ҳамиша
баҳорий кайфият тилайди. Навқирон авлодни
тарбиялашда уларга куч-қайрат ва шижоат ёр бўлсин!*



НАВРЎЗИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Барча ватандошларимизни еру кўкни яшнатиб, баҳорнинг жон-бахш шабадалари ва эзулик нури билан бепоеъ далаларимиз, борларимизни мунаввар этиб юртимизга кириб келаётган олам безаги — Наврўз билан муборакбод этишдан мамнунмиз.

Тун ва кун тенглашаётган, борлиқ ажиб гўзалликка тўлган кунларда истаймизки, ҳар бир хонадондан ҳеч қачон файзу барака аримасин.

Имонимиз комил — XXI аср жаннатмакон юртимиз учун илм-фан асри, Президентимиз айтганларидек, интеллектуал авлод асри бўлади.

Қадрдон юртдошлар, ўқувчи, талаба ёшлар!

Ҳар бир кунингиз Наврўз бўлсин, қалбингиз меҳр-муҳаббатга тўлсин!
Барчангизга Ватан ободлиги йўлидаги ишларингизда зафар ва равнақ тилаймиз.

**ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА
БАРҚАРОРЛИК БЎЛСИН!**



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ШУ КУНДА ТУФИЛГАН БЎЛСАНГИЗ

21 март куни шарқий йилнома бўйича янги йил киради. Ушбу кунда тузилганлар ҳаётини севувчи, кучли, иродали бўладилар. Уларини маърур тутиб юришлари, салобатлари кишиларда ҳурмат уйғотади. Бундай одамлар соғлом бўлиб, касалликка бепасанд қарайдилар, заифликка тоқатлари йўқ. Улар жудаям маърур, жасур, чидамли ва ўз қарорига содиқлар. Олдига қўйган мақсадларига қайсарлик билан интиладилар ва эришадилар. Лекин унинг қайсарлиги ҳаётда кўп ташвишларни келтириши мумкин. Шароитга мослашмайди, бироз, удабуронлик этишмайди. Агар сал эгилувчанроқ бўлганда эли, кўп нарсаларга эришарди.

У мустақил, бошқалар уни чегаралашларига тоқат қилолмайди. Шунга қарамай, у ўзгалар фикрини ва мустақиллигини ҳурмат қилади. Меҳмондўст ва очик кўнгли, дўстларига содиқ, лекин, муҳаббат бобида беқарордирлар. Улар ҳаётда ўзгаришлар содир бўлишини хоҳламайди. Қолаверса, ўзгалар ҳаёти уни қизиқтирмайди.

Фикрини фақат ўз муаммолари атрофида жамлайди. Ҳаракатлари аниқ ва тез, олдиндан сезиш қобилияти кучли. Қандай шароитда бўлмасин, улар ўз ишини пухта бажардилар. Шунинг учун ҳам оила аъзолари тўғ ва фаровон яшашади.

НИЛУФАР

Чарқок босган вужудга бахшида ором учун бир сабо елур. Бу кўклам нафаси эмасми?! Чўққиларга боқсам муштоклик билан бир садо келур. Бу эриётган қор саси эмасми?!

Ҳаётимга маъно берган, кўлимга гул-раъно берган кўкламимга жоним фидо. Қаҳратон киш, ал-видо.

Қорлар ҳам ўзликдан тоняпти. Кўклам шуқудан дил қоняпти. Шалолга ҳамоҳанг созим. Кушчага жүр овозим.

Кимдир айтар туриб пинҳона Шалолга юзларингни юв.

Табиатга бўлар жонона —

“Қорликлардан сипқорилган сув”. Ҳаёт гўзал. Ҳаёт ширин. Осуда дамлар — дилга қадамлар.

Баҳор мўъжизасидан кўз қувонгандай-ю, қувончим бироз кемтик кўринмокда.

Кипригимдан учар кушчалар, Муҳаббатга сизинмадингми?

Қўшигимга армон куй чалар, “Сен баҳорни соғинмадингми?” — дейман кимнидир кўмсаб. Соғинчлар юрагимнинг излай-излай топган ширин-ширин изтироблари.

Ўзимга ўзим шундай



КўкЛАМОЙИМ.

КУКИНГДАН БЕР БИР ЧИММИМ

дейману инсонлар чеҳрасига аста назар ташлайман. Ҳаммининг нигоҳи бир нимага мушток. Баҳоройимнинг парварिशлаган маликаси — Кўкломойим билан Наврўзи олам келди. Шундай боқира дамлар — баҳор онлари фасли висол синоатини фош айламокда. Химмат бахшида этиб, кўклам юзин қувончдан ёш айламокда. Шир эса баҳорни шундай тасвирлаган экан:

Булутларнинг қарвони Кўзи севинчдан ёниб, Новадаларнинг юзини Новадан хўллаб кўйди.

Мехридан қониб, Сир деб сақлаганларин, Охири гуллаб кўйди. Ҳа, баҳор ҳақида тўлқинланиб, монанди ташбеҳ излаб ифодалар қилинади. Ҳаёллар юлдузларни қучади. Инини ташлаб, олислардан қушлар учиб келади. Булар ҳаммаси ёшлик фаслининг саргузаштлари, ўзига ром этувчи ҳаяжону ҳайратларидир.

Лолазормикин?! Ҳаёлим нигоҳи лола-зор-

рига ястаниб олади-да, энди яна кимнидир излайди: Яноғиндан ранг олган дедим, Лолазорга бурдим юзимни. Учратмадим аммо ўзингни, Сен баҳорни соғинмадингми? Азизлар, баҳор сепин ёймокда экан, кўклам нафаси елмокда экан, ажойиб тонглр отар энди. Чароғон кунлар келар энди. Шундай азиз, жозибадор, дилдор, мўъжизакор Наврўз тонглирида юз кўришмоклик барчага насиб этсин.

Соҳибжон НАБИЕВ

Ҳар кўклам катта боғ ҳовлимида ҳамма қариндошлар жам бўлиб, дошқозонда сумалак пиширарди. Менга ўзгача завқ бағишлаган Наврўз таоми ҳар баҳор хотирамда жонланаверади. Кексаларимиз айтиб берадиган ривоятларни мириқиб тинглаб, қозонда биқирлаб қайнаётган сумалакни бетўхтов кавлашдан сира чарчамасдим. Сумалак ҳақида турли ривоятларни эшитардим. Лекин волида муҳтарамам Қаримахон ая айтиб берадиганлар ўзгача эди: Сумалак биби Фоти-ма онамининг таомлари бўлган экан. Бир куни боалари ибн Ҳасан ва ибн Ҳусан оч қолибди.

Овқат пишириб берай, десалар, рўзгорларида ҳеч вақо йўқ экан. Ушанда қиш чиқиб, энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтарган

ахшилаб аралаштириб-диллар. Устидан сув қўйиб қайнатибдилар. Қозонни қовлай-қовлай, уйқу элтиб, ухлаб қолибдилар. Азонда

дердилар онам. Таом пишган қозонга димлаб қўярдиқ. Эрта тонгда очганимизда унда кўрганум Хумо қуши тасвирининг ҳосил бўлиши мени ҳар гал ажаблантирарди. Худди бир рассом келиб атайлаб чизиб кетсандек. Мўъжизанинг ўзинаси эди. Кексаларимиз дуо қилиб очилган сумалакдан маҳалламиздаги барча хонадонларга эсонлик-омонлик тариқасида соғға —салому ширинликлар билан парқатардик. Ҳар кўклам Наврўз келганда болалгимнинг шу хотираси жонланади. Бир ширин энтиқиб кетаман.

Лола СОАТОВА

БАЙРАМЛАР ОЙИ

Йил фаслларининг келинчаги бўлиши баҳорнинг илк кунлари орта қолди.

Қадим Римда март йилнинг биринчи ойи ҳисобланиб, айнан мана шу пайтда деҳқончилик ишларини бошлашган. Шарҳда ҳам март ойида содир бўладиган қуёш тутилиши сабаб, янги йилни шу ойдан бошлашган. Европада 1582 йилдан Григорий календари бўйича январь йилнинг биринчи ойи деб белгилашган.

Шу билан бирга дунё бўйича байрамлар энг кўп нишонланадиган ой ҳам март ҳисобланади. Жумладан, 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами, 21 март — Наврўз байрами, 25 март Фарба оналар байрами ва бошқалар. Шунингдек, Ҳиндистонда бутдой ҳосиллини йиғиб олишни нишонловчи “Холи” байрами ҳамда Хитойда “Ерулук билан тозаланиш” байрами бўлиши “Чинг Минг” ҳам айнан март ойида кенг таянчалар билан нишонланар экан.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

МЕН БАҲОРМАН

Мен уч ой бўламан чаманингизда, Ризқ бўлиб келаман Ватанингизга, Покланиш бахш этгум жон-танингизга, Ахир, мен баҳорман...

Гийҳлар унади қабоқларимда, Лолалар очилғай дудоқларимда, Гўзаллик еткисгум муштоқларимга, Ахир, мен баҳорман...

Кўкларга интиладим, булутни қучдим, Тоғларнинг фароҳбахш сувини ичдим, Сизни деб тўқсон кун ўзимдан кечдим, Ахир, мен баҳорман...

Сиз мени топасиз яшил боғлардан, Наврўзда қувнаган вақти чоғлардан, Баҳор деб сайраган буябу, зоклардан, Ахир, мен баҳорман...

Камолат МИРЗААЛИЕВА

ТАШРИФИНГДАН АЙЛАНАЙ

Яқинда Мехнат ва иқтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига қарошли Республика касб-хунар билим юртида бўлиб ўтган Наврўз тадбирида ҳам кўкламнинг бу умидбахш хислатлари намоён бўлди.


— Билим юртимизда республикамизнинг барча вилоятларидан келган, асосан, ногирон ўғил-қизлар таҳсил олишади. Бугунги кунда талабаларимиз сонини 450 нафарни ташкил этиб, уларга келусида тикувчилик, радио-телеаппаратура, музлатгич ва кондиционер, кир ювиш ва тикиш машиналарини таъмирловчи уста, соатсозлик, маиший хизмат кўрсатиш, ҳисобчи, компьютер мутахассислари бўйича гувоҳномапар топирилади.

Билим юрти ёш ижрочилари айтган Наврўз, баҳор ҳақидаги қўшиқ, лапар, ёр-ёр, аллолар тадбир ружига алоҳида кўтаринқилик бахш этди. Шу ўринда унинг бу қадор байрамога қайфиятда ўтишида “Камолот” ёшлар иқтимоий ҳаракати билим юрти бошлонғич ташкилотининг маънавий кўмаклари алоҳида бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Воҳид БОЙМУРОДОВ, «Turkiston» муҳбири



Азиз АКРОМОВ олган суратлар



Фозилжон ОРИПОВ тузди

АЙЛАНА КРОССВОРД

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида:

1. Ҳамал даври белгиси.
2. Кўклам гули.
3. Яратувчилик, бунёдкорлик.
4. Қир, қиялик ер.
5. Усимлик аъзоси.
6. Тоқ туғи қисми.
7. Айём қўшиғи.
8. Узун баргли гиёҳ.
9. Сув йўли.
10. Яқин кишиларга бўлган самимий муносабат.
11. Наврўз таомига ишлатиладиган экин.
12. Сўбҳидам.
13. Тоғлар билан қуршалган обод маскан.
14. Донли экин.
15. Ҳосил онаси.
16. Техника экини туғи.
17. Таомга лаззат берувчи ўсимлик уруғи.
18. Маълум бир тушунчага мансуб белги.
19. Халқ, кўпчилик.
20. Оҳанг, куй.
21. Йилнинг маълум бир даври.
22. Термалар асосида ижро этиладиган қўшиқ.
23. Пардоз бўғи олинадиган манзарали экин.
24. Ифтихор, мамнулик ҳисси.
25. Ёввойи ҳолда ўсувчи гиёҳ.
26. Деҳқончилик маскани.
27. Ватан, мамлакат.
28. Ерулук ва харорат манбаи, қоинот жисми.
29. Сайлларда ўтказиладиган чавондозлик мусобақаси.
30. Хўл мева тури.

31. Куннинг мусоффо вақти. 32. Ер бағирлаб ўсувчи нозик гул. 33. Хузур. 34. Донли экин. 35. Кўклам элчиси. 36. Гул. 37. Ёш дарахт. 38. Чопқир от. 39. Нордон таъмили банди истемълик қилинадиган ўсимлик. 40. Булоқ. 41. Хўл мева. 42. Бир йилда икки мартагуллаб, икки марта ҳосил берувчи ўсимлик. 43. Тоғ атир гули. 44. Чирмашиб ўсувчи манзарали ўсимлик. 45. Ватанимизда етиштирилаётган жамбў меваси. 46. Дуккакли экин. 47. Эрта пишар хўл мева.

МУАММОМА

- Авалло куйида таърифиланиб, рақамлардан ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.
1. Кўклам гули — 1, 4, 5, 9, 22, 20, 9.
 2. Одамлар кўп жойлашган маскан — 10, 9, 18, 25, 8, 12.
 3. Қоинот жисми — 21, 2, 14, 8, 15.
 4. Сут махсулоти — 16, 9, 17, 12, 3, 16.
 5. Ўсимликнинг гул ёки япроққа айланадиган аъзоси — 19, 8, 6, 7, 9, 19.
 6. Фикр, ўй — 24, 9, 23, 2.
 7. Дон туғишида ишлатиладиган рўзгор анжуми — 13, 11, 4, 6.
- Энди шакл айланалари бўйича ёзилган ҳарфларни очқич сўзлари жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириб, муаммомонани ҳал этинг. Улардан шоир Барот Бойқобилов қаламига мансуб тўрт мисра шеър аён бўлади.

Газетанинг навбатдаги сони 28 март, пайшанба куни чиқади.

СУМАЛАК

Сумалак тайёрлаш учун 5 кг. бўғдой, 15 кг. ун (II нав), 0,5 литр пахта ёғи керак бўлади. Бўғдой яхшилаб тозаланади, бўлинг, синган, қорайганларини олиб ташла зарур. Бўғдой бир сутка давомида ивителиди. Ниш ура бошлаган бўғдойни тахта ёки фанер устига 3-4 см. қалинликда ёйиб қўйилади. Бўғдойга тўрт-беш кун давомида эрталаб ва кечқурунлари сув себиб турилади. Бўғдой бир текис 2-2,5 см. гача ниш урса, тайёр бўлади (учи қуқариб кетмаслиги керак). Тайёр бўлган майсани бўлакларга бўлиб, гўшт қиймалигидан ўтказилади. Сўнг устига сув

соласиз. Бир қават доқа ёки элакдан ширасини сизиб оласиз. Сикиб олинган турпи устига яна сув қуйиб, амални бир неча марта қайтарасиз. Катта қозонга доғланган ёғ ва ширани соласиз, устига ун қўшиб, чўлпи билан аралаштирилади. Кейин қовлаб турасиз. Қайнаётганда эҳтиёт бўлмасангиз, тошиб кетиши мумкин. Қамайиб, қўйилган таом устига яна шира солинади. Сумалак шу ҳолда 12-14 соат баландроқ оловда қайнатилади.



Сумалак пишганини қапқирга солиб билса бўлади. Қапқирдан сумалакнинг ҳаммаси оқиб кетмай, юқи қолса, сумалак пишган бўлади. Охирида оловни ўчириб, таом устига қолқоқини ёйиб, 4-5 соат димлайсиз. Энди сумалакни дастурхонга тортишингиз мумкин. Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади